

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 133 (10.186)

2004 йил 13 июль

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БУГУН** Акмал Икромов туманидаги «Шайхонтохур-текстил» кўшма корхонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш юзасидан «Хотин-қизлар кўмиталари аёллар манфаатининг ҳақиқий ифодаси ва ҳимоясига айланиши керак» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Оқтепа» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тузилган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида **БУГУН** кўчма оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Миллий университетининг бакалаврлик курсларини тугаллаган талабаларга дипломлар топширилди.

● **МИРЗО** Улугбек туманида фаол аёллар иштирокида жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **МИРОБОД** туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбирда сиёсий партияларнинг жамиятда тутажақ мавқеи муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий боғида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаларининг Чилонзор туман бўлимлари ҳамда Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «XXI аср ва ўзбек ёшлари» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.



Шайхонтохур туманида иш юритаётган «KONUT» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ички бозорни сифатли, замонавий, қулай мебель ҳамда дарпардалар билан тўлдириш йўлида меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг тикув цехи бошлиғи Ширин Исматова ва ғайратли тикувчи Азиза Юнусовалар иш устида.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

ЯНГИ КОРХОНА — ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Мамлакатимиз ҳукумати тайёр маҳсулотлар, жумладан, болаларга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ихтисослашган корхоналарни рағбатлантириш, ички бозорни тўлдириш ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон-Туркия «Бурсель-Тошкент Текстил» кўшма корхонасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори фаолиятимизнинг асосий йўналишини белгилаб берди, — деди Туркия Бурсель компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Эрхон Ивгин ўза муҳбирига.

— Чирчиқ шаҳрида амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати салкам қирқ

миллион АҚШ доллариға тенг. Уни молиялаштириш тўғрисида тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилмоқда. Корхона ишга туширилгандан сўнг йилига салкам 57 миллион донна трикотаж буюм ишлаб чиқарилади. Шундан 16 миллион донаси болаларга мўлжалланган спорт либосларини ташкил этади.

Кўшма корхонада бир ярим минг нафар йиғиш-қиз иш билан таъминланади.

ЎЗА

ЎЗБЕКОНА БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

Республика Байналмилал маданият марказида Халқаро аҳолишунослик кўни муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

— Байналмилал маданият маркази ўн икки йилдан буён фаолият кўрсатмоқда, — деди марказ раҳбари Темур Алимов. — Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат вакилларининг урф-одатлари, миллий анъаналари ва маданиятини намойиш этиш, асраб-авайлашга марказ томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллатлараро бағрикенглик ҳукматиимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу юртимизда барқарорлик, тинчлик ва оқсоқилликни таъминлашда катта омилдир. Маълумки, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзбеклар билан бир тан, бир жон бўлиб истиқомат қилмоқда. Мамлакатимиз конституциясида

тили, дини, ирки ва миллатидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган. Бошқа миллатга мансуб фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларига кенг жалб қилинганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Т. Алимовнинг таъкидлашича, юртимизда бошқа миллатга мансуб фуқароларнинг таълим олишлари учун катта имкониятлар яратилган. Масалан, республика микёсидаги 762 та мактабда рус, 581 та мактабда қozoқ, 376 та мактабда қорақалпоқ, 318 та мактабда тожик, 64 та мактабда туркман тилларида таълим берилади.

— Ўзбекистонда тугилиб, шу ерда ўсганлигимдан жуда хурсандман, — деди қирғиз миллатига мансуб

Абдулла Темиров. — Бу юрда мен ҳеч қандай камчилик ва қийинчилиқни кўрганим йўқ. Қирғиз миллатиданлигимни ҳеч қимдан яширганим ёки бўлмаса камситилганим йўқ. Қирғиз фарзанди бўлиб шу ерда яшаш буюмга эришдим.

Байналмилал маркази мавжуд миллий марказларни қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар томонлама қўллашмоқда. Брифингда миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш, ўзаро бағрикенглик таъминлашнинг шакллантириш бўйича марказда амалга оширилаётган ишлар хусусида журналистларга маълумотлар берилди.

Тадбир якунида миллий маданият марказлари бадий жамоалари иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

Алоуддин ҒАҒҒОРОВ,
“Туркистон-пресс”

XXI аср саҳоси

Барча малбалардан олганинг сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентдан Навоий ва Бухоро вилоятларига Экология ва саломатлик кўнлари доирасида навбатдаги саломатлик ва мурувват поездди жўнаб кетди.

● Қашқадарё вилояти ғаллакорлари давлатга 274 минг тоннага яқин дон топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар.

● Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида «Меҳнат ва қишлоқ манзаралари» мавзусида бадий кўргазма очилди.

● Конрад Аденауэр номидаги жамғарма, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ва Тадбиркорларнинг информатсион қўллаб-қувватлаш «Заковат» жамоатчилиқ жамғармаси Боев туманидаги Деҳқонбод қишлоғи фуқаролар йиғинига Интернетга уланган компьютерни тақдим этди.

● Қарши шаҳрида 10 та «Отайўл» автобусларининг шаҳарнинг бош транспорт йўналиши — «Темир йўл вокзали—Ерқўрган» бўйича қатнашининг тақдими бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Американинг TeraView венчур компанияси хавфсизлиқни таъминлаш учун анжомлар чиқариш билан шуғулланувчи Smiths Detection компанияси билан ҳамкорликда терроризмга қарши курашининг самарадорлигини оширишда ёрдам берувчи, аэропортларда йўловчилар ва юкларни текширишда қўллаиладиган мулкка юяги тизимни ишлаб чиқди.

● Бельгиянинг Антверпен портида бельгиялик божхоначилар томонидан Колумбиядан келган Santiago Express кема-си ортилган умумий қиймати 5,7 миллион евролик 114 килограмм микдордаги кокаин гивёандлик моддаси мусодара қилинди.

● Ироқда пайдо бўлган янги «Нажот» номи курулли гуруҳ мамлакатда ўз қабиҳ фаолиятини амалга ошираётган «Ал-Қоида» террорчиларини йўқ қилишга бел боғлади.

● Россия Адлия вазирлиги «ЮКОС» нефть ширкатида 2000 йилда 3,4 миллиард АҚШ доллари микдорда тўланмай қолган солиқни ундириш чораларини кўрмоқда. Маълумотларга кўра, «ЮКОС»нинг собиқ раҳбари Н.Ходорковский солиқларни тўлаш учун ўзига тегишли «ЮКОС» акцияларидан воз кечишга тайёрлигини билдирган.

Иқтисодий

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР
ЙЎЛИДА

«Элга хизмат — олий ҳиммат» деган нақлга амал қилаётган кўплаб ҳамюртларимиз орасида тадбиркор аёлларимиз ҳам кўпчиликини ташкил этади. Нигора Отажонова ҳам шундай аёллар сирасига қиради.

«Нигора» модалар ателье-еси жорий йилда иш бошлаганига қарамай ўзининг доимий мижозларига эга бўлмоқда. Мазкур ательенинг ўз соҳасининг билимдонлари бўлган малакали бичиқчи, кўли гул тикувчилар, мохир модельер, тантаналарда кийиладиган, эксклюзив кийимлар устаси ҳамда қадимий ва ҳамиша навиқрон зардўзлик санъатини мукамал эгаллаган мутахассислардан иборат жамоаси аҳоли хизматида.

Буюртмалар мижозларнинг хоҳиш-истагига биноан 3-5 кунда сифатли бажарилади. Кўркам жиҳозланган салонда буюртмачилар учун қатор қўлайликлар яратилган. Масалан, бу ерда иссиқ чой ёки яхна ичимликлар истеъмол қилиш, телевизор томоша қилиб, янги маҳаллий нашрлар билан танишиш мумкин. Асосийси, кўрғазма сифатида қўлай жойлаштирилган турфа хил матолардан ёққанини танлаб, буюртма беришингиз мумкин.

Ательенинг тадбиркор раҳбари Нигора Отажонова келгусида бу масканинг энг замонавий дизайнда яратилган либослар тикиладиган, аҳолига намунали, юксак сифатли хизмат кўрсатадиган салон-ательега айлантирмоқчи.

«ПАРВОЗ»НИНГ
ЯНГИ
МАХСУЛОТЛАРИ

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлар орасида Иzzат Нигматов ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати билан ажралиб туради.

2 йилдан буён қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркор ички бозоримизда сифатли, хуштам ҳамда харидорбоп печенье-лари билан танилди.

Хусусий тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилаётган «Парвоз», «Олимпик-2004» ҳамда «Чемпион» деб номланган печенье-лар нафақат шаҳримизда, балки вилоятларда ҳам харидоргир. Қўноқлари, маҳсулотлар 100 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

Тадбиркорлик билан иш юритаётган жамоа цехидаги дастгоҳлар ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган бўлиб, кунга 1000 килограмм маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Жорий йил охиригача жамоа аъзолари билан ҳамкорликда тадбиркор яна бир нечта янги сифатли маҳсулотлар яратишни ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш жойлари ташкил этишдек эзгу мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Муқаддас
УМАРБЕКОВА

Кичик ва хусусий бизнес

ХОРИЖГА ҲАМ ЭКСПОРТ
ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига қарашли «Надежда» шўба корхонасида тайёрланаётган ойна ва ойна маҳсулотлари нафақат мамлакатимиздаги истеъмолчилар талабини қондирмоқда, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

11 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу жамоада 40 нафар турли соҳа ходимлари


йўллари компаниясининг 50 миллион сўмлик буюртма маҳсулоти — изоляцияланган втул-

каларни тайёрлаб бердик, — дейди корхона директори Бахтиёр Зокиров. — Хозирда эса Қозоғистон Республикаси темирйўлчиларининг ана шундай буюртмаларини ба ж а р и ш учун ҳамкорларимизга маҳсулотнинг илк нусхаларини тайёрлаб бераёلمиз. Бизнинг асосий мақсадимиз истеъмолчиларга ҳам сифатли, талаблар даражасидаги, ҳам бирмунча арзон маҳсулотларни етказиб беришдир.

Кенг турдаги халқ истеъмоли моллари, айниқса унинг харидоргир хилларини яратиш

учун корхона мутахассислари аввало бозорни ўрганишди. Шу асосда яратилган маҳсулотлар эса, албатта харадорини топмоқда. Хозирда корхонада 50 хилдан зиёд маҳсулот турлари ишлаб чиқарилаётган бўлса, биргина тошнингнинг 15 хили харидорларга савдо шохобчалари орқали етказиб берилмоқда. Шунингдек, пластмасса буюмларининг турлари ҳам талабга қараб янгиланган борилади. Айни кунларда корхона тадбиркорлари «Барака» фирмасининг буюртмасига кўра 3 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотларни тайёрлашмоқда.

Корхонанинг доимий иш режаси бор. Шу билан бирга улар ўз олдларига ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни мақсад қилиб қўйишган. Бунинг учун эса яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш баробарида



кўпроқ савий-ҳаракат, ташаббус ва изланиш лозимлигини улар жуда яхши ҳис этишади. Негатки, интилганга ҳамиша толе ёр бўлишини тадбиркорлар ўз меҳнатлари мисолида кўришмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланган ойна маҳсулотлари; корхонанинг тажрибали ойна кесувчиси Виталий Уталиев.

Ҳакимжон Солиқов
олган суратлар.

Тадбиркорлик

ЯНГИ ДЕЗИНФЕКЦИЯ ВОСИТАСИ

Озодаликни сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олишда дезинфекцияловчи воситаларнинг ўзига хос ўрни бўлиб, уни вақтида ва самарали қўллаш мўҳим аҳамият касб этади.

Мирзо Улугбек туманида фаолият кўрсатаётган «ABISENNA-AROMA» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган «SERTAKSIN» дезинфекция ва санитария учун янги восита бактерияларга қарши, вирусли инфекциялар, ВИЧ-инфекция, «Кандида» туркумидаги ачитқисимон замбуруғлар, дермоторитларга нисбатан антимикроб таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

— Ўтган йилда ушбу воситани ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигиндан лицензия олишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона раҳбари Иброҳим Турсунов. — Маҳсулотларимизни бугунги кунда сигими 1,5,20 литрлик пластмасса идишларда ишлаб чиқариб, буюртмачиларга вақтида етказиб бермоқдамиз.

Биз тайёрлаётган восита хона ичини, са-

нитария-техник жиҳозларни, бактериал этиологияли юқумли касалликларда даволаш профилактика мақсадида, кандидоз дермотофияларда, беморларнинг парварши буюмлари, чойшаб, идиш ва тиббиётда ишлатиладиган буюмларни дезинфекция қилиш учун тавсия этилади. Ушбу восита ёрдамида маиший хизмат корхоналари, умумий овқатланиш жойлари, болалар масканларида дезинфекция ишларини амалга ошириш яхши самара беради, ачитқисимон замбуруғларга қарши курашда фойдаланилади.

Корхона тадбиркорлари жорий йилда ушбу дезинфекция воситасидан 100 тонна ишлаб чиқаришни режалашган. Унга нафақат республикамиз, балки қўшни республикалардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Муҳиддин АЛИМБОВ

КУН ТАРТИБИДА ЭКОЛОГИЯ
МУАММОЛАРИ

Мамлакатимиз 1995 йилда Биологик ранг-барангликни сақлаш тўғрисидаги конвенцияга қўшилди. Муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ҳажмини 4,6 фоиздан 10 фоизгача кўпайтириш мажбуриятини олди.

Бу ҳақда «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий заҳираларни бошқариш» мавзусида Тошкентда ўтказилган давра суҳбатида маълум қилинди. Мазкур учрашув Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва «Яшаш муҳити» ахборот маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Олинган мажбуриятлар доирасида мамлакатимизда биохилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва савий-ҳаракатлар режаси қабул қилинган, — деди Ўзбекистон давлат биология назорати бошлиғи

Александр Григорянц. — Ҳужжатларда биохилма-хиллик бўйича барча маълумотлар умумлаштирилган. Бунга табиий заҳиралар, улардан фойдаланиш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг рўйхатлари, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар қиради.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Ўзбекистонда 9 та қўриқхона, 2 та миллий боғ, 12 та давлат заказниги ва қатор ёдгорликлар бор эди. Алоҳида қўриқланадиган ҳудудларнинг майдонини кенгайтириш учун Вазирлар Маҳкамасининг Марказий Қизилқум қўриқ-

хонасини барпо этиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси тайёрланди. Нурута-Қизилқум биосфера резерватини ташкил этиш юзасидан ҳужжатлар турли давлат идоралари даражасида қелишув босқичида турибди.

— Резерват табиий муҳитни муҳофаза қилишининг янги механизми, — дея сўзида давом этди А.Григорянц. — У табиий мажмуалар, экотизимлар ва маданий меросларни барқарор ривожланиши ва муҳофаза қилинишини кўзда тутди.

А.АРСЛОНОВ,
«Туркистон-пресс»

Пойтахтда IREX халқаро ташкилоти томонидан «Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш: хорижий тажрибани ўлғаштириш ва жорий қилиш» мавзусида семинар ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛИКДА
ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ

АҚШнинг Илмий изланишлар ва тажриба алмашув халқаро кенгаши олий таълим, матбуот, интернет, фуқаролик жамияти тараққиёти бўйича АҚШ, Европа, Евроосиё ва Яқин Шарқда ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширади. IREX ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий алоқалар дастурининг мақсади мамлакатимиздаги етакчи ташкилотларда меҳнат қилувчи вакилларнинг касб маҳоратини оширишдан иборат. Мазкур дастур доирасида 2003 йилнинг октябрыда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бир гуруҳ тадбиркорлар АҚШнинг Алабама штатида тажриба алмашиб қайтишди. Дастур иш-тироқчилари штатнинг турли ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан танишиб, янги кўникмалар билан юртимизга қайтишди.

Семинарда мамлакатимиздаги хусусий тадбиркорлик субъектлари таклиф этилди. Улар Америкада ўрганганларини ҳамкасбларига гапириб беришди. Бу каби тадбирлар ўзаро тажриба алмашув борасида жуда яхши самара бериб, ўз навбатида кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига хизмат қилади.

Семинарда молия муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хориж тажрибаси хусусида фикр-мулоҳазалар алмашишди.

«Туркистон-пресс»

Алоқа

МУҲИМ ОМИЛ

Тошкент ахборот технологиялари университети республикада алоқа тармоқлари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб берувчи йирик олий ўқув юрти сифатида фаолият юритмоқда.

Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши университетида таълимнинг амалиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Олий ўқув юртининг шу йўналишидаги фаолиятининг бугунги аҳоли Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги хайбат йиғилишида кўриб чиқилди. Хисоботда компьютер курилмаларидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган маърифий тадбирлар ҳам умумлаштирилди.

Хозир «ак»ли машиналар сони 600 тага яқин бўлиб, шулардан 250 дан ортиғи Интернетга уланган. Хар юз нафар талабага ўртача 16 та компьютер тўри келмоқда.

ЯНГИ
ЛОЙИХАЛАР

«Халқаро почта» акционерлик жамияти ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Химатек» корхонаси ўз маҳсулотлари билан почта алоқаси ходимларига яхши танилиб қолди.

Бу ерда олиб борилаётган техник изланишлар натижасида қатор янги лойиҳалар юзага келди.

Хат-хабарларни жўнатишнинг автоматлаштирилган мониторинг тизими лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилади. Ушбу янгилик почтада таъриб-намуна синовидан яхши ўтди.

Бу лойиҳа ахборот технологияларини амалиётга татбиқ қилиш учун ҳам имкониятлар очиб беради. Айни вақтда почта жўнатмалари назоратини кучайтириш, кўрсаткичларни тўлиқ йиғиш, почта ходимлари меҳнат шaroитини яхшилаш жараёнининг самарали кечиши таъминланади. Автоматлаштирилган мониторинг тизими яна қатор муҳим ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қўл келади.

Даврон ҒУЛОМОВ

«УМИД
ДИПЛОМИ»
СОҲИБЛАРИ

Ўзбек халқ чолғулари ёш ижрочи-созандалярининг республика кўриктанловига кўпгина ёш истеъдодлар ўз ижрочилик маҳоратларини намойён этишди.

Айниқса, фортепьяно, скрипка, пуфлама чолғулар бўйича ташкил этилган концертлар кўпчиликка манзур бўлди.

Ўзбек миллий чолғулари ижрочиларининг чиқишлари ҳам яхши кутиб олинди. Ўн бир нафар ёш созанда биринчи даражали мукофот билан тақдирланди.

Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу кўриқда бир нечта истеъдод эгаси кўрик-танловнинг дипломларини кўлга киритди. «Умид дипломи» сөрвдорлари ҳам аниқланди.

Акбар АЛИЕВ

Саноат

СИФАТЛИ МАТБА
МАҲСУЛОТЛАРИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига қарашли Тошкент матбаа комбинати ўтган ойда Германия давлатида ўтказилган «DRUPA-2004» халқаро кўргазмасида мамлакатимиз вакили сифатида қатнашди.

Мазкур нуфузли кўргазмада ҳамюртларимиз хорижлик ҳамкасбларининг энг замонавий матбаа дастгоҳ ва ускуналари билан яқиндан танишиш, уларнинг иш жараёнини бевосита кузатиш имконига эга бўлдилар. Жумладан, юртимизнинг бугунги кунда матбаачилик соҳасида эришган ютуқлари, энг сара полиграфия маҳсулотларини ушбу халқаро кўргазмага ташриф буюрган иштирокчиларга намойиш ҳам этишди.

2003 йилда Тошкент матбаа комбинатида янги газета цехи ўз фаолиятини бошлади. Ушбу цехга Хиндистон давлатидан келтирилиб, ўрнатилган янги замонавий «Star Lait» дастгоҳи каттагина имкониятларга эга эканлигини намойиш этмоқда. Бугунги кунга келиб бу юксак самарали техника шарофати билан 20 га яқин газеталар сифатли, кўркам ҳамда кўпчилиги 4 тадан то 7-8 хилгача рангларда босилиб, юртдошларимизни мамнун қилмоқда.

Масалан, «Тасвир», «Постда», «Деловой партнёр», «Ўзбекистон футбол», «Хамкор», «Тонг юлдузи», «Класс», «XXI аср», «Темирйўлчи» каби газеталар кўлаб нусхаларда ушбу газета

цехида чоп этилмоқда. Уларнинг сифати хорижий нашрлардан асло қолишмаслиги эса қувонарли ҳол албатта.

Матбаа комбинатида ғайратли, малакали ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳ-



натлари, тадбиркорларнинг саяё-ҳаракатлари туфайли корхонанинг асосий маҳсулоти бўлган китобларни чоп этиш ҳам та-



лаблар даражасида бўлишига эришиш йўлида ибратли юмушлар қилинмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ўсиб бораётган рақобатни ҳисобга олган корхона жамоаси асосий эътиборни сифатга қаратмоқда.

Корхонада ҳозирги кунда буюртмачи — мижозлар учун китоб-газеталарнинг кўргазмаси ташкил этилган. Ушбу кўргазма стендларидан корхона жамоасининг меҳнати маҳсули бўлган сифатли, кўркам рақобатбардош матбаа маҳсулотлари ўрин олган.

Ҳа, матбаачилар доимо изланишда, ички бозорни чуқур ўрганиб, харидорлар талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янгиликка интилиб иш юритмоқдалар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент матбаа комбинатининг замонавий технологиялари; корхонанинг газета цехида. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Ўз — қўнмоқда соз

ОРОМҒОҲДА ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Шу кунларда ёзги дам олиш оромгоҳлари болажонларимиз хизматида. Улар ёзни мароқли ва сермизмун ўтказишлари учун оромгоҳларда барча шарт-шaroитлар яратилган.

Яқинда Ҳамза туманидаги 216-ўрта махсус мактаб қошидаги «Бойчечак» оромгоҳида «Юлдузчалар ёгдуси» деб номланган тадбир ўтказилди. «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда оромгоҳда дам олаётган ёшларнинг қизиқарли интермедиялари,

рақслари, дам олувчилар учун эса «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзолари томонидан намойиш этилган концерт дастури барчада унутилмас таассуротлар

қолдирди. Болажонларнинг юзларидидаги табассумлари, шўх-шодон ўйин-кулгулари оромгоҳда ўтказилаётган тадбирлар уларга манзур бўлаётганлигидан далolat беради.

Шунингдек, «Юлдузлар ёгдуси» кечаси давомида дам олувчилар учун турли қизиқарли мавзуларда викториналар, асфальтга расм чизиш бўйича танловлар ўтказилди.

Юлдуз РИЗАЕВА

ТИНГЛОВЧИЛАРГА
МАНЗУР АСАРЛАР

Истеъдодли бастакор Ойдин Абдуллаева ўзининг оҳангларга бой мусиқа асарлари билан танилиб қолди. «Садоқат» деб номланган сахна асари эса унга катта ижодий қувонч бахш этди.

Атоқли шоирлар Ҳамид Олимжон билан Зулфияларнинг оилавий ҳаёти мавзу қилиб олинган бу мусиқали драма постановкаси республикаимиз маданий ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлди.

Ижодкор яна бир мусиқали драма устида қизгин иш олиб борди. «Фариштали аёл» деб номланган бу спектакль Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма театри томонидан постановка қилинди. Мусиқали оҳангларга бой бўлган мазкур асар театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олиши турган гап.

Бастакор Ўзбекистон Мустиқиллигининг 13 йиллигига бағишлаб қатор қўшиқлар ҳам яратди.

Анвар АББОСОВ

Тошкентдаги «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташаббуси билан ташкил этилаётган «Ёшлар олтин даврин» деб номланган талабалар фестивалига қизгин таёргалик ишлари кетаяпти.

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Фестиваль Ўзбекистон теле-радиокомпаниясининг «Гранд», «Водий садоси» радиолари, «Туркистон», «Ўзбекистон овози» газеталари ва бир қанча журналлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз мустиқчилигининг ўн уч йиллиги, халқаро Талабалар кўни ҳамда «Меҳр ва муруват» йили муносабати билан ташкил этилаётган мазкур фестивал шу йилнинг 10 сентябридан то 17 сентябрга қадар ўтказилади. Фестиваль бадий ижодиёт, дизайнлик ва мусиқа йўналишида ташкил этилади. Танловда «Замонавий шарқ урф-одатларига ёшлар нигоҳи», «Ав-

тодунё» ва «Менинг орзуларим» номинациялари бўйича 35 ёшгача бўлган ёш муаллифлар ўзларининг фотолавҳалари, тасвирий санъат асарлари, дизайнерлик композициялари ҳамда бошқа ижодий ишлари билан иштирок этишлари мумкин.

Мазкур фестивални уюштиришдан мақсад, ижодкор ёшларни бирлаштириш, уларнинг энг қобилиятларини танлаб олишга хизмат қилади. Танловда иштирок этишни хоҳлаган ёшлар «Бунёдкор» телеклубига мурожаат этишлари мумкин.

«Туркистон-пресс»

БУЮРТМА АГРЕГАТЛАР

Украина Республикаси пойтахти Киев шаҳрида ўтган йили қишлоқ хўжалиги техникасига бағишлаб ташкил этилган халқаро кўргазмада ўзбек машинасозлари ҳам ўз экспонатлари билан иштирок этишганди.

«Тошкент трактор заводи» давлат хиссасдорлик жамиятида тақдим этилган агрегатлар эса кўргазмада айниқса яхши баҳо олди. Шу сабабли Киевдаги «Важмашинческ» миллий корпорациясининг корхона маҳсулотларига бўлган қизиқиши ортди.

Ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, «ТТЗ-8010», «ТТЗ-82 Р» русумли ўзбек тракторларига бўлган талаб ортди. Эндилликда корхона украиналик механизаторлар буюртмасини

адо этишга киришди. Ўзаро келишувга мувофиқ 2005 йилда агрегатлардан 200 данаси Украинага етказиб берилади.

Айни вақтда бу агрегатлар учун зарур узеллар ҳали тайёрланмади. Трактор кабиналари ҳам экспортга ҳозирланади.

«ТТЗ-80-Ю» русумли агрегат нусхаларининг юзага келишида ўзбек ва украин тракторсозларининг ҳамкорлиги қўл келади.

Олимжон АКБАРОВ

Мақола

ИҚТИДОРЛАРИНИ
КЎРСАТИШДИ

Бу йил республикаимизда «Илмий ижодкорлик» танлови ўтказилди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу билим ва изланишлар кўригида техника, кимё ва бошқа йўналишдаги фанларни пухта ўзлаштираётган истеъдодли ёшлар кўпчиликни ташкил этди.

Ўқувчилар техника ижодкорлиги республика марказида қатнашиб, ўз иқтидорини намойён этган толиби илмлар ҳам танловда соҳибдорлиги бўлиб кўлга киритдилар. «Саноат ва агро-саноат» йўналишида техник изланиш олиб борган тошкентлик юқори синф ўқувчиси Вячеслав Гусаров биринчи ўрин соҳиб бўлди.

Юнусобод туманидан вакил бўлиб қатнашган ўқувчи Миркомил Азизов эса «Кимё ва нефтьгаз саноати» йўналишида ғолиблик на-шидасини сурди.

Дилноза
АХМЕДНАЗАРОВА

Минг йиллар давомида кузатув ва ҳаётий синовлар авлоддан авлодга ўтиб, ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар кўпайиб, мукаммаллашиб, сайқал топиб борди. Булар эса ўз навбатида халқ табобатининг таркиби топишига шароит яратди.

Ҳамшаҳримиз Нўмон Аъзамов ҳам 1971 йил Тошкент фармацевтика институтининг дориворлик факультетини аъло баҳолар билан тамомлаган. Олмалиқ ва Қибрай туманидаги дорихоналарда провизор сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. 1985 йилда Нўмон ака қўлланмада юрак хасталиги билан оғриб узоқ даволанишига тўғри келди. Дори-дармонларнинг нафини сезмагач Нўмон ака рафиқаси Шоҳида опага уйдан Абу Али Ибн Синонинг китобларини ва бошқа халқ табобати бўйича қўлланмаларни келтириб беришини сўради. Ва ушбу китобларни ўқиб, ўзини ўзи даволашга кириш-

ди. Уч-тўрт кунда юракни даволашда қўлланганидан доривор ўтлар давланишини тайёрлаб ичга, нафини сеза бошлади. Тез кунда соғайиб оёққа турган эса халқ табобатида илҳоси орта бошлади. Ўзи доривор бўлгани сабабли 1993 йилдан Эндокринология институти қошида Фитобар очишга эришди. Нўмон Аъзамов ушбу институт клиникаси шифокорлари билан узвий ҳамкорликда иш бошлаб, ҳозирда эндокрин — ички без касалликлари билан оғриган беморларнинг халқ табобати йўли билан даволанишларида катта ёрдам бериб келмоқда.

— Фито — бу ўсимликлар дунёси деган маънони англатади, — дейди Нўмон ака. — Ўсимликларнинг серхосият томонларини санаб интиҳосига етиш қийин, албатта. Наботот оламининг ажойиб хислатларидан бири — уларнинг шифобахшлигидир. Кўпчилик олимларнинг берган маълумотла-

ХАЛҚ ТАБОБАТИГА СУЯНИБ

Исоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғланган. Исонлар қадим замонлардан бери ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Ҳозирда тиббиётда қўлланилаётган дори-дармонларнинг қарийб 45 фоизини ўсимликлар ташкил қилади.

рига қараганда, табиат неъматларидан олинган дори-дармонлар кимёвий сунъий равишда олинган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш керак, доривор ўсимликларнинг давлана, қайнатма ва настойкаларидан фойдаланишдан олдин албатта шифокор билан маслаҳатлашиш зарур. Мен асосан Ибн Синонинг китоблари ва халқ табобати асосида дориворларни тайёрлайман. Шифокор бизга йўллаган беморларга албатта давлана ва қайнатмалар фитобарда тайёрлаб, сўнг берилади. Негаки, ўсимликлардан дориларнинг тайёрлаш усули ҳам катта аҳамиятга эга. Биз қадоклан-

ган ва текширувдан ўтган шифобахш ўсимликларни аптекалардан олиб, фитобарда тайёр ҳолда клиникада даволанаётган беморларга бепул берамиз. Ўз ҳаётимда синовдан ўтказганим учун халқ табобати — ўсимликлар дунёсига ихлосим ошди. Қадимдан буюк алло-маларимиз, ота-боболаримиз ҳам халқ табобати асосида даво топиш-ганлиги бежиз эмас. Нўмон аканинг қизи Шоира ҳам доривор. Бугунги кунда ота-бобо доривор-носилар фитобарда бирга ишлаб даво истаб келган беморларга ўз маслаҳатлари ва ёрдамларини аямай келишмоқда. Дарҳақиқат, халқимиз саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган,



СУРАТДА: провизор Нўмон Аъзамов қизи Шоира билан шифобахш ўсимликлардан дори тайёрлашмоқда. Гулнора ҲАМИДОВА Алексей Попов олган сурат.

ЯНГИ МОСЛАМАЛАР ҚЎЛЛАНИМОҚДА

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша заҳмати, машаққати бўлгани каби роҳати ҳам бўлади, албатта. Айниқса машаққатли меҳнатнинг меваси ширин бўлади.

Раҳмонберди ака ҳам узоқ йиллардан буён халқимиз саломатлиги йўлида кўп заҳматлар чекиб, тиним билмай ўқиб-ўрганиб, изланиб. Натижада қанчадан қанча ҳалокатга учраб ёки йиқилиб оёқ-қўли ва бошқа аъзолари жароҳатланган киши-ларни даволаб, оёққа тургазди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва зирлиги травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти клиникасининг болалар ўткир жароҳати бўлимига бориб қолсангиз қўли, оёғига гипс ёки турли хил мослама ўрнатилган ёш болакай ва қизалоқларни кўриб, ачинасиз. Уларнинг айримлари қароватда қимирламай ёти-шибди. Раҳмонберди ака мана шу бемор-ларнинг жонига оро кириб уларни опера-циясиз даволашга ҳаракат қилади.

1963 йил 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти битиргач, Раҳмонберди Ходжаев Фар-гона вилоятидаги касалхонанинг травма-тология бўлимида етти йил жароҳат олган беморлар соғлиғини тиклашда билим ва тажрибаси-ни ишга солиб кўпчиликнинг раҳмату дуоси-ни олди. Шун-дан сўнг ўз би-лимини янада ошириш мақ-садида Москва-

руҳан даволаши керак, деб ўйлайман, — дейди Раҳмонберди ака. — Бўлимда даво-ланаётган қўли ёки оёғи жароҳатланган ёш болакайларни кўриб юрагим эзилади. Уларнинг кўпчилиги ота-оналарининг на-зоратидан четда қолиб турли жароҳат олиб бу ерга келиб қолишади. Фарзанд-ларни ёшлигидан қаровсиз қолдирмаслик зарур. Акс ҳолда болалар ўйинқароқлик қилиб дарахтга ёки гаражлар устига чиқиб ўйнаб, ёки велосипеддан йиқилишади. Бу-нинг натижасида шикастланиб, узоқ даво-ланишларга тўғри келади. Уларни йиқил-диб ногирон бўлиб қолмасликларни учун ота-оналар доимо назорат қилиб бориш-лари зарур. Мен учун бўлимда даволана-ётган бемор болаларнинг соғайиб кетаёт-ганларини кўриш энг катта бахт. Ҳозирги кунда жароҳатланган беморларни соғай-тиришда гипсдан қўра турли хил даво-

лашнинг янги усуллари бўлган мосламалардан фойдаланмоқдамиз. Бўлимда беморларни иложи бори-ча янги мосламалар ёр-дамида опера-циясиз даволаш усул-ларини қўллаш усти-да изланиш олиб бори-лмоқда. Мақ-

садимиз беморга тиг текизмай даволаш. Ҳа, бугунги кунда Раҳмонберди Ходжа-ев нафақат шахримиз, балки бутун рес-публикамизда яхши танилган. У кишининг тажрибасидан қўллаб шогирдлари баҳра-манд бўлиб, шулардан 15 га яқини фан номзоди, 2 нафари докторлик даражаси-га эришганлар. Ўз касбига меҳр қўйиб, эъзозлаган Раҳмонберди ака мана 42 йил-дики халқимиз саломатлиги йўлида ўз билим ва тажрибасини намоён этиб кел-моқда. Мана шундай заҳматкаш, ўз касби-га садоқатли, беморлар дардига малҳам бўлиб келаётган шифокорларимиз доимо орамизда бор бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: тиббиёт фанлари доктори Раҳмонберди Ходжаев беморнинг жароҳа-тини назорат қилмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Мутахассис масъулият

БОЛА ҚАЕРДА ЧЎМИЛИШИ КЕРАК ?

Ўлкамизда кунлар исиб, ёз ойи ўзининг бутун тароватини на-мойиш этмоқда. Энди салқин кунлар ганимат. Ҳамма ўзини соя-салқинга уради. Иссиқ куннинг тафтидан бироз беҳаловат бўлса-да, барибир ёз иссиғининг ўзига хос жиҳати борлиги, агар у бўлма-са бутун мулки борлиқда жонланиш бўлмаслигини тушунамиз.

— Аввало шунини айтиб ўтиш керакки, очик сув ҳавзалари ёш болалар учун низоҳатда фойдаланиш мумкин. Чўмилишнинг гигиеник меъёрла-ри нимадан иборат?

Биз шу каби саволларга жа-воб топиш мақсадида Республи-ка Соғлиқни сақлаш вазирлиги-га қарашли Тошкент врачлар ма-лакасини ошириш институти тадқиқотчи-аспиранти Дилфуза Бозоровага мурожаат қилдик.

— Айтинг-чи, болалар кўпроқ қандай сув ҳавзала-рида чўмилишлари мумкин?

лардан талаб қилинадиган энг асосий масъулият нимадан иборат?

— Ота-оналар биринчи навбат-да, сувда сузиш қонун-қоидалари-ни мукаммал билишлари ке-рак. Чунки уларнинг ўзлари су-зишни билмай туриб, фарзанд-ларига ҳам ургата олишмайди. Иккинчидан, гигиеник меъёрлар-ни яхши билиш зарур. Дейлик, кўпгина ёш болалар чўмилиб чи-қиши билан қаергадир шошади: ички кийимини қуритиш ёки ал-маштириш ёдига келмайди. Кий-

имдаги намлик танага ўтиб, жи-гар шамоллаши касаллигини кел-тириб чиқариши мумкин.

— Чўмилиш ҳавзаларининг ги-гиеник ҳолати учун жавоб-гарлик кимлар зиммасида?

— Ҳавзалардаги сувнинг то-заллиги санитария-эпидемиоло-гия хизмати ходимлари томо-нидан доимий назорат қилиниб борилади. Чунки кўпича ёш сув ҳавзаларида туриб қолган сувнинг тез бузилишини ҳисоб-га олиб, иш кўрилмаса вазият мураккаблиги келиб чиқади. Бундай сувларда гижжа туҳум-лар, бактерия таёқчалари кўпайиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шундай экан ёзининг жазира-ма кунларида ҳам белгиланган жойларда чўмилиш қатор кўнгил-сизликларнинг олдини олишда муҳим омил эканлигини унутмас-лигимиз керак.

Хумоюн АЛИЕВ
сухбатлашди

иш пайдо бўлади, болдир мушак-лари аиниқса тунда тортишиши ҳақида шикоятлар пайдо бўлади. Те-рининг кўкариш ва қаттиқлаши кўринишлари трофик бузилишлар пайдо бўлиши мумкин. Кейинчалик арзимаган жароҳат узоқ вақт бит-майдиган трофик яраларнинг ри-вожланишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда оёқ вена қон то-мирларининг касалланишини таш-хис қилишнинг асосий усули ульт-ратовуш ҳисобланади. Уни допле-рография ёки ангиосканирлаш де-ган усул ёрдамида аниқланади.

Бу касаллиқни даволашнинг тур-ли усуллари бор, бироқ жароҳлиқ операцияси улар ичида асосий ўрин-ни эгаллайди. Бу усул яхши самара беришини тажриба кўрсатиб туриб-ди. Юксак касб маҳорати даражаси-да билимдонлик билан амалга оши-рилган бундай аралашув ҳеч қандай нохуш асоратларсиз юз фоз соғай-иб кетишни қафолатлайди. Зарур

бўлиб қолса махсус препаратлар билан варикоз веналарини инсекция склерозлаш қўлланилади. Даволаш-нинг бу усули мустақил, камдан-кам фойдаланилади ва одалта у жар-роҳлиқ аралашувини тўлдирди.

Операциядан олдин ва кейин консерватив терапия усуллари му-ҳим аҳамиятга эга бўлади: оғир нар-саларни кўтаришни чеклаш, элас-тик компрессия (даволаш компрес-сорлари, пайпоқлар кийиб олиш ёки бинт билан ўраб қўйиш) қўлланади.

Шундай қилиб оёқларда қон то-мирларининг варикоз касаллани-шини замонавий ташхис, медико-ментоз ва жарроҳлик технология-ларидан фойдаланиб вақтида даво-лаш, инсон саломатлиги ва ўзгал-лигини сақлаб қолишнинг энг яхши воситасидир.

Республика «Саломатлик»
институтининг
Тошкент шаҳар филиали

Билиб қўйган яхши

ОФТОБ УРГАНДА...

Ёзининг жазирама иссиқ кунларида айрим ки-шиларни офтоб уриши ҳолатлари содир бўлиши мумкин. Кўпича офтоб уриши натижасида ки-шида лоҳаслик, кучли бош оғриғи, кўнгил ай-ниши, мадорсизлик, кучли даражада чанқаш ҳо-лати ўз беради.

Ана шундай ҳолат рўй берганда аввало хас-таланган беморни салқин жойга ётқизиб, тез-тез елпиб туриш ва иложи борича кўпроқ ми-нерал сув ичириш зарур. Бунда инсон организ-мидаги зарарли моддалар ташқарига чиқиб ке-тади. Шундан сўнг турли хил суг маҳсулотла-ри, қаттиқ бериш фойдали. Хас-таланган киши ўзига келиб олгунча таркибда Д витамини мавжуд бўлган таомлар истеъмол қилиши ке-рак.

Шуни унутмаслик керакки, қуёш тиккага келганда иложи борича офтобда юрмаслик, сув-да чўмилмаслик керак. Айниқса ёш болаларни офтоб уришидан асраш зарур.

Ичкиликбозлик — ишма!

БУ ЙЎЛДАН ҚАЙТИНГ

Мирзо Улуғбек туманида 1800 нафардан кўпроқ киши сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилиши босе, рўйхатимизга олинган. Қилинаётган ишлар албатта ўз самарасини бермоқда. Аммо касаллик йилдан йилга ёшариб борапти. Бу эса кўпчиликни хавотирга солмоқда, албатта.

Ҳўш, кишилар нега ароқ ичишади? Бунинг келиб чиқиш сабаблари кўп. Ким-дир шунчаки ичади, яна кимдир ҳавас қи-лади, кимдир ишлари юришмаганидан, ала-мидан ичади. Яна биров хурсандчилигини «ювади».

Тўғри, спиртли ичимлик ичиш, ичмас-лик ҳамманинг ўзига боғлиқ. Бироқ у одат-га айлansa, охири сароб. Афсуски, орамиз-да ҳали 30 ёшга тўлиб-тўлмаган йигитлар «алкаш» номини олиб улгурган. Ачинарли-си шундаки, сурункали ичаверганидан энди ичмаса туролмайди. Бу эса касаллик. Алко-голизм. Унга ўз вақтида тиббий чора — му-олажа қилинмаса охири «вой».

Беморлар билан бўлган мулоқот чоғида шунини сезаманки, кўпчилик 19-20 ёшда спиртли ичимлик билан «танишади». Ме-нинг фикримча, ичкиликка ружу қўйиш-нинг бош сабабларидан бири — бекорчилик. Ичкилик ичиш, бу — мия фаолияти би-лан боғлиқ. Энг ёмони, алкогoл мия фао-лиятининг бузилишига олиб келади. Афсу-ски, киши миясини бошқасига алмаштириб бўлмайди. Ҳалбе ичаверганидан ўзини бош-қара олмай қолган кишида: асаб ишдан чи-қади, соғлиқ йўқолади, ирода сусаяди...

Касаллиқнинг ёшариб бораётганини таъ-кидладик. Сир эмас, фарзандининг нима би-лан машғул бўлаётгани ёки кимлар билан дўст эканини билмайдиган, қизиқмайдиган ота-оналарга нима дейиш мумкин? Фарзанд ҳаммаша ота-она кўз ўнгиде, мудом назора-тида бўлиши шарт. Озгина этиббoрсизлик турли нохушликларни, кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Фарзандининг юриш-туришидан, ички-лик кўп ичавертганидан хавотир олиб бизга мурожаат қилаётган ота-оналар ҳам бор.

Яқинда қабулимга шундай ота-оналардан бири қизини бошлаб келди. Қиз 19 ёшда экан. Тез-тез ичадиган, баъзан уйга ҳам кел-майдиган одат чиқарибди. Қизнинг айтиши-ча, олдин шунчаки, номига татиб қўрган, бора-бора улфатлар топган. Сурункасига ичадиган одат пайдо бўлган.

Аниқлашимизча, бемор касаллиқнинг 2-босқичида экан. Касаллиқнинг биринчи босқичи ўзини тўла намоён қилмайди. Бу босқичдаги беморлар бизга кам мурожаат қилади. Чунки бунда одам ҳали ўзини тўла идора қила олади. Кейинги босқичда эса, ичкиликбозлик ўзининг шаклига эга бўлиб улгурди. Бу босқичда одам сурункасига, тез-тез ича бошлайди.

Кўп ҳолларда беморлар кимнингдир ку-затувида келадилар. Бу босқичда одам ўзи-

нинг даволанмаса бўлмаслигини тўла ҳис қилади.

Қизни даволадик. Бир муддат ўтгач, у ду-гонасини ҳам муолажага олиб келди.

Ичкилик одами издан чиқариши турган гап. Аммо бу ҳақиқатни англаган ҳолда, бу ишга бош қўшаётганларга ачинаман. Алкоголизм — бу мия касаллиги, дедик. Одами мия бошқаради. Шундай экан, су-рункасига спиртли ичимликлар ичиш яхши-лик билан тугамайди. Аммо наркотик мод-далар истеъмол қилаётганлар эртага нима бўлишини билишармикан? Шифокорга му-рожаат қилган беморлар, албатта тиббий муолажа оладилар. Аммо беморнинг ўзига кўп нарсга боғлиқ. Биз унга 50 фоизгина ёр-дам беришимиз, тўғри йўл кўрсатишимиз мумкин. Қолгани унинг ўзига боғлиқ. Одам ўз-ўзини танқид қила олиши зарур. «Мен кўп ичиб қўяяман». «Бу йўлдан қайтишни ке-рак» деб танқид руҳида ўзига ёндошса, фой-дадан ҳоли бўлмайди.

Бир кишини билмаман. Яхши мутахассис. Ўз ишининг устаси. Хориж тилларини би-лади. Гулдек оиласи, яхши иш бор эди. Тақдир тақозоси билан иш юзасидан учра-шиб қолдик. Қарасам, касаллик ўз кучини кўрсатяпти. Ётиги билан тушунтирдим. «Да-воланинг», дедим. Кейин кеч бўлишини, афсус чекишини қайта-қайта таъкидладим. Танишим мендан очикдан-очик хафа бўлди. Кейин маълум бир вақт ўтди. Касаллик ўз кучини кўрсатибди. Беморга «жигар цирро-зи» деб ташхис қўйишибди. Энди кеч эди.

Алкоголизмнинг ёмон асоратларидан бири бемор ҳаммаша назоратда бўлиши шарт. У вақти-вақти билан тиббий муолажа олиб туриши шарт. Шундай беморлар ҳам учрай-ди: 5 йил, 10 йил спиртли ичимликни оғзига олмай кетади. Бир кун келиб, шунчаки, оз-гина яна татиб қўяди. Кейинги аҳвол маъ-лум. Киши миясида яна эски дардлар қўзга-лади.

Ичкиликбозликдан фойда кўрган, наф топган одами ҳеч ким билмаса керак. Унинг турган-битгани зарар: юрак хуружи, жигар циррози, тутқаноқ, бепуштлиқ, па-ралич, энцефалопатия.

Назаримда, ичкиликбозликни тугатиш фақат шифокорларнинг ёки шу соҳа мута-хассисларининг иши бўлмаслиги керак. Бу зарарли одат, қусур билан ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, курашсак, аини муд-дао бўларди.

Шерзод ЮСУПОВ,
Мирзо Улуғбек
тумани психиатр-наркологи.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДИ
ДОМО БУЛАДИ...

• Қирқ ёш — ёшлиkning интиҳоси, эллик ёш — қарилик ибтидоси.

• Кексайганини одам қачон сезади? Буни у орзу-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганида ҳис қилади.

• Ёшлиқда нимани эксанг, улгайганинга шуни ўрасан.

• Қариси бор уйнинг париси бор.

• Ҳақиқий ҳаёт эллик ёшдан бошланади. Бу ёшда одам чинакамга пишиб етилади, бошқаларга ўрнак олса арзигулик ҳислатларига эга бўлади. Бировларга сабоқ бўладиган нарсаларни тушуниб етади.

• Кексалик доноликни ўргатадиган лалла, ёшлик эса уни қўлайдиган пайт.

РИВОЯТ. Кунлардан бир кун Нўшинравон соч-соқолини олдириш учун саройдаги боққа сартарошини чақиртиради. Сартарош қўлини унинг бошига қўйган, бундай дейди: «Агар сиз, олий ҳазратим, хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни Қайсар меҳнатидан форуғ этаман».

Нўшинравон ўзича: «Бу одам ўзи нима деяпти?» деб ўйлаб, унинг сўзларига ҳайрон бўлди. Аммо сартарошнинг қўлидаги устарасидан кўрқиб, бирон қарши сўз айтишга юраги дов бермай: «Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин», — деди.

Нўшинравон сартарош сочини олиб бўлиб кетгандан сўнг кекса маслахатгўйи Бузуржмехрни чақириб, унга бўлган воқеани айтиб берди. Бузуржмехр сартарошни олиб келишларини буюрди ва ундан сўради: «Сен олий ҳазратнинг сочини олаётганда нима деядинг?»

У жавоб берди: «Ҳеч нима». Шундай Бузуржмехр сартарош турган ерни кавлаб кўришни буюрди. У ердан беҳисоб бойлик топишди. Бузуржмехр дейди: «Олий ҳазратим, сартарош айтган сўзларни унинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу хазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи ганжина устида бўлган». Араблар айтмоқчи: «Кимки ўз оёғи остида хазина кўрса, у ўз ҳадидан ортқ нарсани сўрайди».

Қиссадан ҳисса шуки, қаран билганини пари билмас деган нақл жуда тўғри айтилган.

БАЙТ:

Ёшлик қувватю,
кексанинг ақли —
Ғалаба гарови, бу
халқнинг нақли.

• Ҳаракат ва интилишсиз, фидойилик ва меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

• Илмнинг ибтидоси — ақл, ақлнинг ибтидоси — сабр-тоқат.

• Фақат билмоқлик учун эмас, балки бирор ишни эплай билиш учун ҳам билмоқ зарур.

• Улуғ ишлар чидам ва матонат тудайли амалга ошади.

• Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал.

Шеърый лаҳзалар

ЭЗГУЛИК

(Корақалпоқ фарзанди, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тўлепберген Каипбергенова)

Қалбингиз суратин чиза олсайдим,
Ўқиниб қоларди ҳар қандай Зиё.
Сиз Янглиғ юраклар бор экан тоқим,
Буюкларга тўлар, бу ориф Дунё!
«Қатра каломимдан қарх-да гул унса»
Дедингиз, эй, азим, оқ кўнгли «Ҳаким».
Қархи-гардун васли, Ой, Қуёш бўлса,
Буюк эзгулиги, сиздурсиз балким!!!

Муסיқани синдирмоқ гуноҳ,
Умр гоҳ ширин-у, гоҳида таҳир.
Муסיқа илоҳдир, синса гар илоҳ,
Юрак «тарс» ёрилиб кетмасми ахир.
«Авайла» деганинг рост сўз, замондош,
Илоҳий садолар баҳоси йўқ ганж.
Муסיқасиз юрак, соққондаги тош,
Муסיқа-ку ахир, энг буюк юпанч!

ПУШКИН ҲАЙКАЛИ
ҚОШИДА

— Пушкин, ёринг тарк этган — деб, эшитдим.
Меники дунёни тарк этган, ахир
Шеър ёзсанг, кимлардир турмафтилар жим,
Менга омад деган, бўлди кўп баҳил.
Сенинг ҳам, менинг ҳам айбимиз битта,
Бичим соз этилиб, пурқалган сиёҳ.
Ва лек, ўз айбини тан олиб эрта,
Эзгу қалбимизга нур сочган Илоҳ.
Елғон сўз сўзланса, бетайин дерлар,
Ростини сўзласан, дерлар «бу телба!»
Не, не оқил аёл, не домиш эрлар,
Ғаламис дунёдан ўтдилар бева.
Шунақа, дил қулфин очди истиклол,
Яхшики Офтобнинг палаги тоза.
Қаро самовотни ёритар ҳалол,
Қўзлар чараклашиб олар андоза.
Навоий бобомиз кўзга ёш олиб,
«Эрта келдикмикан» — деганлари рост,
Буюк тупроқ ёдин қалбига солиб,
Хуросон бағрида ётмиш ул Устоз
Пушкин, ожажоним, руҳинг барҳаёт,
Улкан Рус боғида кезиб юрибсан.
Тафаккурлик замон синдирмас қанот,
Раҳмоний хурликни сезиб турибсан.
Бизнинг ўлкамиз ҳам, ободдан-обод,
Буюк Оврупога қўйганимиз ҳавас.
Беруний кашф этган қитъада бомдод,
Одил ошнотчилик бўлмағай абас!..
Пушкин...

ОТЕЛЛО

(Хобгоҳдаги сўнги тортишув ёки Шекспирнинг ҳаёлот дарчасига қўлоқ осмай қолган лаҳзаси)

ОТЕЛЛО — Илоҳлар номардми?... васлимад тун жам,

Сен, оқ бўлиб қолдингми, Дездемона?

ДЕЗДЕМОНА — Оқлик гуноҳ бўлса кечиргил хожам,

Дилингда не гумон ниш урмиш яна?

ОТЕЛЛО — Гумонлар рост чиқса, унда нетарсан?

«Софлигим чиндир» — деб, бўлмасан какку!..

ДЕЗДЕМОНА — Ғазаб орзусига унда етарсан,

Беғуноҳ дунёни истагансан-ку!..

ОТЕЛЛО — Хуфия гуноҳлар юз очса жами,

Олам кунпоякун бўларди ҳайхот.

ДЕЗДЕМОНА — Ҳар қандай гуноҳнинг энг ширин таъми,

Вақтнинг «кимё»сида оғу бўлур бот.

ОТЕЛЛО — Ҳа, макр бўлса ҳам ушбу сўзинг рост,

Кечиккан сирлардан олам омонда.

ДЕЗДЕМОНА — Айбим нафисликими? — Ҳақ берган

пардоз,

Сертхўмат лаҳзалар кимнинг томонда.

ОТЕЛЛО — Гўзаллик аслида эрур нурга тенг,

Лек «кўркам» адоват кўзга суқар чўп.
ДЕЗДЕМОНА — Тер хидга тўйинган момиқ болишинг,
Айбини беркитар «жилт парда»лар кўп.

ОТЕЛЛО — Эвоҳ, шунча макр кичик жуссанга,

Қандай жо бўлганин билмайинг лолман.

ДЕЗДЕМОНА — Сен фақат қодирсан, қон тўқар жангга,

Лек, гофил дилингдан қомати долман.

ОТЕЛЛО — Сўзларинг хидидан айбинг муқаррар,

Ҳождан чекинмай қўйибсан чоғи?

ДЕЗДЕМОНА — Ана, айтмадимми, гўллик шул қадар,

Макрдан мой ялар, Яго пичоғи.

ОТЕЛЛО — Ягога юклама Кассио айбин,

Насия дўзахга, қолмас хиёнат.

ДЕЗДЕМОНА — Ечимсиз гумонга ишонар қай, ким

Ишонса, ҳаттоким, ҳилқат омонат.

ОТЕЛЛО — Воҳ, Кассио дўст эмас, экан шум зина.

Рўмолчам жонланиб бормас, тўғрими?..

ДЕЗДЕМОНА — Ўрама шамолда учган ҳазина

Ангельёга тушса, «Ангел» ўрими?..

ОТЕЛЛО — Ўрама шамол ким? — топиб бер унда,

Ўқса вулқон кўзин уйғум бехато.

ДЕЗДЕМОНА — Сиз каби лакмани бу даҳри дунда

Оддий макр бирла фатҳ этар Яго.

ОТЕЛЛО — Йўқ, йў-к, сен оташга мой сочма малак,

Яго маккор эмас, сен асли маккор.

ДЕЗДЕМОНА — Эй-воҳ, бошим узра йиқилсин фалак,

Ҳақнинг исботига бўлгунимча зор.

ОТЕЛЛО — Осмонинг мен эдим, оринг мен эдим,

Мана бўғмоқдаман, сўзлама зинҳор.

ДЕЗДЕМОНА — Эй...воҳ, бу го...фил...ни, кеч...ир...гил

Тангрим,

Ваҳ...ший та...б, та...фа...ккур, этса

нур...ни хор.

ЯГО — Тенг тенги билан-да, баланд дор нечун.

Урғочи шер бўлмас, сиртлонга маҳрам.

ГАРДУН САДОСИ — Минг йиллар адоват кўрсатди кучин.

Лек, бирон кимсага бўлмади малҳам!

ОЛТИН ҲУМЧА
ТОПГАНДА

(Ҳазил)

— Манов ярми сеники,
Мановиси меники.
«Тўхта» деди, Шоасил,
Қани унда элники?
— Думбулмисан жиннивой,
Эл бўлар бизни бел-да.
Бирор қорхона очсак,
Ишчилар бизнинг эл-да!

Яна қандай эл керак?..
Наҳотки етмас тамиз.
Шоасил дер, «Епирай, —
Фикрат муборак Рамз.
Рамз дейди, бугундан,
Орасидир орамиз.
Мен, сен дей, сен, мен де,
«Мен»ни бўлиб оламиз.

ВОҲ, БУ ЕР...

Бир парча заминю,
Бир парча осмон,
Меники, демоклик,
Эмасдир осон.
Унда мужассамдир,
Гардун савдоси,
Яна, ўн саккиз минг.
Олам ғавғоси.

Минг бир митти жон ҳам,
Шул жойда жамдир.
Бир бирини қувлар,
Абадул жангдир.
Қувлашмачок хона эркан,
Воҳ, бу Ер.
Сенида, менида
Навбатиди...

Саҳни дунё кенгдир, фурсат оз, эй чарх,
Васлан суҳбат этмоқ, қандай соз, эй чарх.
Бори борлик бирла юз кўрмоқ мушкул,
Рўҳлар бўлса басдир, ҳамовоз, эй чарх.

Тун,
Осмон!!!
Боксам бир қиё,
Сочма юлдузларнинг васлида зиё.
Лек, ютим суви йўқ, йўқдир ҳавоси,
Эй фалак, бунча кўп, имконсиз дунё!..
Ягона чарҳимиз, мўъжиза гўё!!!

Турсун МУҲАММАД

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТЛАРГА
ЭГА БЎЛИШДИ

Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалла фуқаролари Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси аъзолари билан учрашдилар.

Айни пайтда ҳар қайси партия ўзининг сайловлид платформасини ишлаб чиқиш билан бирга ушбу сиёсий жараёнга қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Мавжуд қонунчилик эса сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясида эркин ва ўзаро тенглик асосидаги иштирокини кафолатлайди. Сиёсий партияларнинг парламентга сайланадиган аъзолари қабул қилинаётган ҳар бир қонун бўйича ўзларининг аниқ фикрларини, зарур бўлганда муқобил қонун лойиҳаларини Олий Мажлис муҳокамасига киритиш салоҳиятига эга куч сифатида фаолият юритишлари керак. Шу йўл билан партиялар ўз дастурларида белгиланган мақсадларини ҳам рўёбга чиқаришга эришадилар.

Учрашувда партия аъзоларининг таъ-

кидлашларича, маҳаллаларда, туманларда, республикамиз вилоятларида фаолият олиб бораётган ўз вакиллари томонидан амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда юз бераётган чуқур демократик ислохотларни яхшироқ тушунишга ҳамда бу жараёнда фаол иштирок этишга даъват этади. Утказилажак сиёсий тадбирда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этиши лозим. Уларнинг сайловлар моҳиятини яхши англаб етишларида бундай учрашувлар муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув иштирокчилари сайловларга қўрилаётган тайёргарлик, ушбу сиёсий жараёнга бевосита боғлиқ бўлган масалалар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди.

Мирзо Улуғбек туманидаги Авайхон маҳалласида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий кенгаши томонидан «Аёл ва жамият» мавзусида учрашув ўтказилди.

«АЁЛ ВА ЖАМИЯТ»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Олий Мажлис депутати бўлган 22 нафар аёлдан 8 нафари айнан ушбу партия аъзоларидир.

Мазкур партия сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам айнан жамиятда аёллар мавқеини ошириш, уларнинг барча жаҳалларда тенг ҳуқуқлиликка эришишдан иборат. Мазкур учрашув ҳам маҳалла аёлларининг дардини тинглаш ва муаммоларини ечишга яқиндан ёрдам бериш учун ташкил этилди.

«Туркистон пресс»

ДОЛЛАРНИНГ ТАҚДИРИ

АҚШ ҳукумати чиқарган қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш учун Хитой ва Япония ўтган уч ой мобайнида жами 500 миллиард доллардан ортиқ маблаг сарфлади. АҚШнинг қимматбаҳо қоғозлар соҳасидаги энг йирик сармоядорларидан бири Билл Гросснинг фикрича, Хитой билан Япония бундай қилмаганида, доллар камиди 20 фоиз арзонлашиши мумкин бўлган экан.

Жаҳонда асосий тўлов воситаси ҳисобланувчи долларнинг нархи қанча бўлиши керак, деган саволга кўпчилик АҚШ валютаси юқорида юравериши керак, деган жавобни беради. Ҳатто европалликлар ҳам АҚШ валютасининг нархи ҳаддан ташқари тушиб кетишига қарши. Лекин «қўхна дунё» вакиллари долларнинг нархини кўтариш лозимлиги тўғрисидаги гап-сўзлардан нарига ўта олмаётган бир пайтда осийликлар дунё таърибасида бўлмаган таърибага қўл урди. Бу эса Хитой билан Япония бундан қандай мақсадни кўзлаган, деган саволни келтириб чиқарди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу қадам орқали Хитой билан Япония ўз миллий валютаси нархи кўтарилишининг олдини олишни ният қилган. Чунки Хитой юани билан Япония иени долларга нисбатан арзон бўлса, бу мамлакатлардан экспорт қилинаётган маҳсулот нархи ҳам арзонлашади. Ушбу мамлакатлар, асосан, экспортдан даромад қилиши ҳисобга олинса, осийликларнинг бу қадам тиришқоқлиги замиридаги сир ошқор бўлади.

Яна бир қизиқ ҳолатни айтиш лозим. Кейинги йилларда АҚШ, Япония ва Хитой ўртасидаги савдо-сотиқда осийликлар жуда катта ижобий фарққа эга бўляпти. Хитой ва Япония бунга АҚШ қимматли қоғозларини сотиб олишга сарфламоқда. Америкalikлар эса ўз навбатида ана ўша қимматли қоғозлардан тушган пул эвазига Хитой билан Япониядан яна маҳсулот сотиб олади. Бошқача айтганда, АҚШ Осий мамлакатларидан олган қарзи эвазига уларнинг ўзидан маҳсулот харид қилляпти.

Мутахассисларнинг фикрича, осийликлар АҚШ долларини қўллаб-қувватлашни тўхтатса, вазият икки йўналишда ривожланади. Биринчисига кўра, АҚШ иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар тезлашиши мумкин. Мамлакатнинг экспорт салоҳияти кескин ошиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин валюта нархи кескин, жиловлаб бўлмайдиган даражада тушиб кетса, дунё бозорида саросима келиб чиқishi, жаҳон иқтисодиёти эса таъназулга юз тутиши мумкин.

УЗА

ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАК

Ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш дастури (DSSP) миссияси «Марказий Осий минтақасида инсон салоҳиятини ва инсон ҳаёқисилигини ривожлантириш мақсадида минтақавий ҳамкорлик» маърузасини тайёрлади. Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган «Инсон тараққиёти ва минтақавий интеграция» мавзусидаги давра суҳбатида маълум қилинди.

Мазкур давра суҳбати БМТ Тараққиёт дастури ва DSSP иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан уюштирилди. Бу лойиҳа инсон тараққиёти муаммоларига интеграция ва ҳамкорлик нуқтаи назаридан қаралган минтақавий микросдаги илк лойиҳа ҳисобланади. Бундан аввал БМТ ТД Марказий Осийдаги алоҳида давлатларга бағишлаб ахборотлар тайёрлаган эди.

Ушбу маърузанинг асосий мавзуси умумминтақавий аҳами-

ятга молик муҳим масалаларни умумлаштириш ва таҳлил этишга бағишланиб, унга аҳоли фаровонлиги, ҳаёқисилиги ва барқарор ривожланиши қиради. Шу ўринда турли фикр ва гояларни уйғунлаштиришга эътибор қаратиладики, у кескин муаммоларни ҳал этиш механизмларини барпо этиш имконини беради.

Давра суҳбатида айтилишича, Марказий Осийнинг тадқиқот объекти сифатида танланиши беҳиз эмас. Минтақа ривож-

ланган жаҳон бозорлари ва транспорт йўлларидан олинса, лиги сабабли иқтисодий ривожланишда маълум бир қийинчиликларга учрамоқда. Ҳар бир давлат олдида турган муаммолар бир вақтнинг ўзида умумминтақавий ҳисобланади. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Марказий Осий ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмаларнинг ташкил қилиниши интеграция жараёнлари бошланганлигининг аққол тасдиғидир.

— Маърузани тайёрлаб пай-

тида минтақанинг ҳар бир давлати ҳукумат тузилмалари вакиллари, таҳлилий марказлар, мустақил экспертлар, халқаро таъкилотлар ўртасидаги мавжуд муаммоларнинг муҳокамаси режалаштирилган, — деди лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Йоханнес Линн. — Тошкентда ўтказилган давра суҳбати бу йўналишдаги илк тадбир ҳисобланади.

Музокара уч йўналиш бўйича экспертлар фикрлари ва тақдимотлари бўлиб ўтди. Булар экология, миграция, сув-энергетика муаммолари, кооперация ва интеграциянинг ҳаракатлантирувчи қучлари — савдо, транспорт ва хусусий бизнесдан иборат.

«Туркистон-пресс»

Висол қувончларини, айрилиқ изтиробларини, меҳр-муҳаббатни, вафо-содикати вафс этувчи бу қўшиқ ошик қалбини ёндириб ўтди. Ҳазил бахш этган ҳарорат, ашула берган завқ-шавқ руҳимизни юксалтирди, буюк Навоийнинг муборак нафасларини туйгандек бўлди. Қалбимизнинг жарангдор торлари ноз уйқудан уйғонди. Чунки ҳофизнинг овози жарангдор, нолали, ширали ва беҳад ёқимли эди. Унинг беғавҳар овози, хонишлари қулоқларимиз остида бўлбўл наво-сидек янграй бошлади.

Гап ким ҳақида кетмоқда деб ўтган кунларга хитоб қилсак, олисдан «Махмуджон Ғофуров! Махмуджон Ғофуров!» деган янграқ нидо келди. Бу нидо бизни мазкур буюк санъаткор ҳақидаги баъзи билганларимизни ёзишга даъват этди.

Эллигинчи йиллар... Бола эдик. Уйин-кулги, томоша, айниқса куй-қўшиққа ўч эдик. Радиодан Махмуджон Ғофуровнинг қўшиғи эшитилиб қолса одамлар берилиб тинлар эдилар. Санъаткор хусусан, Тоҳир, Фарход, Алломиш каби халқ қаҳрамонларининг ариаларини қибмага етказиб қуйларди. Биз эшитиб яйраб кетардик, олам қўшимизга янада чароғон, янада гўзал қўринарди. Маҳалламиздаги йигитларга эргашиб Эски жувадаги Мухимий театрининг ёзги биносига борардик. Лекин бизга томошага кириш йўл бўлсин эди. Бу ерда ҳаммиса одам тирбанд бўларди. Театр дарвозаси олдидаги одамларни милиция ходимлари тартибга солиб турарди. Ана шундай кунларнинг бирисида касса олдида жанжал чиқиб кетди.

— Мен Махмуджон Ғофуров қўшиқларини эшитаман деб Андижондан келганман-а, — дерди оқ ятак, чуст дўппи кийган баланд бўйли бир киши. — Битта чипта қимми ўлдирибди. Берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан, — дерди у кассирга дағдага қилиб.

— Йўқ чиптани қаердан топиб берай, дерди фигони ошган касса ходими.

— Бошқаларга топиб бермасанг ҳам, менга топиб берсан, — дердилар андижонлик амакимиз ҳамон бўш келмай.

— Ие! Сизнинг шохингиз борми, — дерди чипта тополмай хуноб бўлиб турган одамлардан бири.

— Ха, шохим бор, — дерди ўша амакимиз. — Мен Андижон шаҳрининг Соғйузар даҳасидан келганман. Ўша Алломиш бўлиб чиқайтган Махмуджон бизнинг маҳаллага кўёв бўлган...

Орадан кулги кўтарилди. (Бу гапнинг тағига кейин етдик. Махмуджон Ғофуров Ўзбекистон халқ артисти Тўхта-син Жалиловнинг қизи Эътибор Жалиловага уйланган экан. Махмуджон бастакор Тўхта-син ота Андижон шаҳрининг Соғйузар даҳасида дунёга келган эканлар.)

Бизга ўша кун ҳам театрга кириш насиб этмади. Уйимизга Алломишнинг «Баланддан қўйла тинлар» деб бошланган ашуласини айтиб кетдик. Ватанпарварлик, мардлик руҳи билан йўрилган бу ашулани Махмуджон Ғофуров қойилмақом қилиб ижро этган. Ўша вақт бу ашула жуда кенг тарқалган эди. Тўй, базм ва зиёфатлар шу ашуласиз ўтмас эди. Ҳар бир йигит ўзини Алломиш, ҳар бир қиз ўзини Сийричан деб ҳис қиларди. Йигитлар Ғофуровга, қизлар Фароғат Раҳматовага, Эътибор Жалиловага тақдир этиб қўшиқ айтишарди. Халқ достони асосида ёзиллиб, қаҳрамонлик ва ватанпарварлиқни тараннум этувчи бу мусиқали драма ва унинг ижрочилари ана шундай машҳур бўлиб кетганди.

Ҳотира қўёқса гўзандир

ОВОЗИДА БАҲОР НАФАСИ

Олисдан бир қўшиқ эшитилди. Оханги мафтункор, навоси бетакор эди...
Не бўлди дардима эй бевафо дилдор,
Вафого ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг...

иб-ёган оддий ошик йигит эмас, улғушлар қилишга қодир мард, жасур қаҳрамон сиймоси намоён бўларди. Чиндан ҳам шундай эди. Фарход — Махмуджон тоғларни қўрибди, элчи суғга маъмур этарди. Тоҳир бўлиб дарёда оқарди, ишқ, вафо йўлида тожу тахтан ҳам воз кечарди, Алломиш қибфасида элчи ёллардан химоя қиларди. Бир сўз билан айтганда у саҳнада ватанпарварлик, қаҳрамонлик, садоқат, ҳалоллик рамзи бўлиб қолган эди. Бу саҳна қаҳрамонларининг қўшиқлари одамларни, хусусан, ёшларни улғуш ишларга, эл-юрта муносиб фарзандлар бўлишга, севги ва садоқатга, меҳр-муруватга чорларди. Шунинг учун кўпчилик Ғофуров деганда Мухимий театрини, Мухимий театри деганда Ғофуровни тушунганидан бўлиб қолган эди.

Халқ орасида бу санъаткор тўғрисида қизик-қизик латифалар тўқилган. Мана улардан бирини эшитинг: Бир кекса дўкондан радиоприёмник сотиб олибди. Уйига келиб уни қўйган эди, овози ёқимсиз ашулачининг қўшиғи эшитилибди. Кекса радиоприёмникни кўтариб дўконга югурибди.

— Ха, отахон, нега қайтариб олиб келдингиз, — дебди сотувчи йигит кексани ҳурмат билан қўтиб олиб...

— Болам, бунинг олиб, Махмуджон айтганидан бер, — дебди кекса.

Сотувчи йигит қотиб-қотиб қулибди...

...Йигитлик чоғимда Махмуджон Ғофуровга тақдир қилиб ашула айтдим, — дейди илгари Қорасарой кўчасида яшаган отахон (отларини айтишни лозим кўрмадик.) — Гуручирик кўчасида турадиган бир қизни яхши қўриб қолдим. У билан гаплашишнинг иложи топилмади. Ўйлаб-ўйлаб чорасини топангай бўлдим. Қош қорайиши билан ўша қизнинг эшигининг тағидан Тоҳирнинг «Эй қўёш кўрсат юзинг...» деб бошланган қўшиғини айтиб ўтадиган бўлдим. Овозимни эшитиб зора чиқса деб ўйлардим. Лекин «Қўёшим» ҳеч қимсади, юзини ҳам кўрсатмади. Ишқ дарди ёмон бўлар экан. Қўйиб-ёниб юравердим.

Бир кун «Ўғлим, бундоқ ўтир», — деди отам қаршидан жой кўрсатиб.

— Уйланганидан вақтинг бўлди, болам. Кўз остинга олиб қўйганин борми? Эшитишимга қараганда фалончи кўнчининг қизига ишқинг тушиб қолган эмиш. Кечалари кўчадан ашула айтиб ўтар эмишсан... Шу гаплар ростми? Агар қорайинг қатъий бўлса, совчиликка ўзим бораман...

Ердан бош кўтаролмай қизариб-бўзариб ўринидан туриб кетдим. Шундан кейин отам кўнчининг уйига совчиликка борган эдилар.

Кўнчи «Ўғлингиз ўқийдими-ишлайдими, қўриниши, бўйи-баста қанақа, мен ҳам кўрганманми?» — деб сўраб-суриштира бошлабди.

— Ўғлимни кўрмагандисиз аммо овозини эшитгандисиз, дебдилар отам. — Ҳар кун кўчадан кўшиқ айтиб ўтади.

— Эй, Махмуджон Ғофуровга ўхшатиб ашула айтадиган болами, — дебди бўлғуси қайнотамиз.

— Ха, ха, ўша, худди ўша дебдилар отамиз.

— Бўлди-бўлди! Ўғлингизга қизимни берсам ҳам бердим, бермасам ҳам бердим, — дебдилар бўлғуси қайнотамиз.

Шундай қилиб, мен Махмуджон Ғофуров қўшиқларини қўйлаб мақсадимга етганман...

1965 йилда бу устоз санъаткор билан бир нафас суҳбатлашиш бахтига муюссар бўлганман. Махмуджон ака диомдор одам бўлсалар керак, деб ўйлар эдим. Учрашувдан кейин ўз ўйимдан

ўзим хижолат бўлиб кетдим. У киши камтарин, оғир, босиқ, одобли одам эканлар. (Таги кўрган зотларнинг фарзандлари шунақа бўлади). Ўша вақтда ёш, таърибсиз мухбир эдик. Ўйлиб, тортиниб уч-тўртта савол берганим ҳамон ёдима турибди.

Саҳнага чиқиб ёки телевидение орқали лабни қимирлатиб туриш, бу қўшиқ айтиш деган гап эмас. Қўшиқ орадан чиқади. Қўшиқ қалб нидоси, кишининг маънавий руҳи эҳтиёжи. У дард, нола, изтироб, завқ-шавқ билан қуйланса, қўшиқ бўлиб янграйди, шинавандаларнинг қоригаги етиб боради. Махмуджон Ғофуров ана шу мезонга қаттиқ амал қилиб яшайди. У саҳнани — тахт, саҳнани — тож, деб ижод қилди. Шунинг учун саҳна султонларидан бири бўлиб қолди. Чунки у яратган Тоҳир, Фарход, Алломиш ва бошқа образлар шундай юксак баҳолашга маънавий ҳуқуқ беради. Тўғри, бу ролларни бошқа артистлар ҳам ижро этишган. Лекин Ғофуров яратган образлар ўзининг ҳаётийлиги, халқчилиги, қаҳрамонларнинг ички кечимчалари, ҳис-туйғуларини ифода-лашдаги ранг-баранглиги, таҳлил ва тақлининг нозиклиги билан алоҳида ажраллиб туради.

Ўзбек миллий театри ва мусиқий драма равнақида катта ҳисса қўшган Махмуджон Ғофуров узок умр кўрди. Икки ҳақатчилик, қийинчиликларни бошидан кечирди. Ушундай оғир кунларда ҳам турмушнинг энгил-елли йўлларини изламади, эътиқодига содиқ қолди. Чунки у санъаткор бўлиб дунёга келган эди ва шу муқаддас жаҳада содиқ туриб, эл-юртага садоқат билан хизмат қилди. Оташин санъаткор ўзи ижро этган бир ашулада:

**Аё дил истагинг мавжудлиги
элдан муқаррар бил,
Йўлинг олис эрур, бу йўлда
идрокингни раҳбар бил,
Садокатли ишингда эл учун
ўзни музаффар бил,
Ватан тупроғини зар англаю
тошини гавҳар бил.**

деб қуйлаган эди.

Ха, у Ватан тупроғини қор, тошини гавҳар деб билди. Ўзбек миллий театрининг мусиқий драма деб аталмиш жаҳасига баҳор нафасини, қўлдан жозибасини олиб кирди. Унинг обрў-эътиборини бир поғона юқорига кўтарди. Халқимизнинг куч-қувватини, орзу-умидини ўзида мужассамлаштирган миллий қаҳрамонларнинг ўлмас образларини яратиб берди, ўзи эса уларнинг рамизий сиймосига айланиб қолди.

Туроб АКБАРХҲАЕВ

Спорт

МУНОСИБ
ИШТИРОК
ЭТИШДИ

Футболни спорт шохи дейишса, энгил атлетикани спорт маликаси дея таърифлайдилар. Ҳақиқатан ҳам юртимиз спорт маликалари энгил атлетика бўйича нуфузли халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб мухлислари ишончини қозонмоқдалар.

Аввал энгил атлетика бўйича «Осиё-2004» Гран-при мусобақаларининг ўтган икки босқичида юртимиз спортчилари эришган муваффақиятлар хусусида батафсил маълумот бергандик.

Куни кеча Филиппин пойтахти Манила шаҳрида «Осиё-2004» халқаро мусобақаларининг учинчи якуний босқичи низомида бўлиб ўтди.

Бу гал ҳам тажрибали ўзбекистонлик югурувчилар турнирда юқори марраларни забт этишди. Хусусан, Любовь Перяелова спринтер масофалари ҳисобланмиш 100 ва 200 метрга югуриш баҳсида барча рақибларини доғда қолдириб икки бор ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Яна бир етакчи энгил атлетикачимиз Гўзал Хуббиева эса юқоридидаги масофаларда иккинчи бўлиб, кумуш медаллар соҳиби бўлиб қолди.

Ўзунликка сакраш баҳсида ҳам иккинчи натижани кўрсатган юрдошимиз Анастасия Журавлева терма жамоамиз ҳамғармасига бешинчи медални тақдим этди.

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 247-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Алимова Сайёра Рихсибеевна номига берилган 11-синфни битирганлик тўғрисидаги А № 089340 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 9-сонли кечки мактаб томонидан 1994 йилда Низамов Хусамиддин Садреддиновичга берилган А № 420721 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар қасаба уюшма Кенгаши «Toshkent go'shtsutsavdo» ОАЖ бошлиғи ўринбосари Мирпозил Арипович Мир-аюбовга акси **Мирборий МИРАЮБОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Табият ажойиботлари

СУВНИ ЧУЧУКЛАШТИРАДИГАН
ЖОНИВОРЛАР

Океан ва денгиз сувларини осонликча чуқук сувга айлантириш йўли топиладиганда эди, сув танқислиги барҳам топар, ер юзини боғу-роғларга бурқаш имконияти туғиларди.

Хозирги шўр сувларни чуқук сувга айлантириш қийин муаммолардан бўлиб турибди. Бундай йўл топиладиган бўлсада, у жуда ҳам қimmat-га тушмоқда. Холбуки баъзи бир жониворлар танасидаги махсус безлар ёрдамида шўр сувни бемалол чуқук сувга айлантириб ичверадилар.

Бунда маъкур жониворлар сувни чуқуклаштиришнинг бир неча усулларида фойдаланишди. Биринчи усулда тузлар тўғридан-тўғри ташқарига чиқариб ташланади. Қуш ва судралувчиларнинг безлари худди шу усулда ишлайди. Сувда сузувчи қушларда бундай безлар кўз олмасининг тепасида, тошбақаларда эса кўз олмасида жойлашган бўлади. Шўр сувни ичгандан сўнг тошбақалар шўр сув чиқариб «иғлайдилар». Сувилонларда бундай безлардан чиққан шўр сув

огиз бўшлиғига тушади.

Сув ҳайвонларининг барчасида туз безлари фақат организмда туз йиғилиб қолгандагина ишлайди, бундай безларнинг самарадорлиги ниятда юқори. Одам буйрағи бир соатда 1 литр суюқлик чиқарадиган бўлса, балиқчи қушларнинг безлари бундан 20 баробар зиёдроқ сув чиқаради. Лекин сув ҳайвонларининг бундай безлари фақатгина бир хил — туз ажратишга мослашган бўлса одам буйрағи эса турли хил моддаларни ажратиб чиқаради.

Қурраи заминимизда 1,5 миллиард куб километрга яқин сув бўлса, шундан 3 фоизини чуқук сув ташкил этади. Унинг ҳам кўп қисми табиий музликлар ва ер ости захирасида ётади.

ЯХЁ ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида халқ устаси Анвар Нўғмоновнинг «Бахт қуши» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

ЧИННИЛАРДА АКС
ЭТГАН ГЎЗАЛЛИК

Ўзбекистон Бадий академиясининг А.Нўғмонов 1930 йилда Тошкент вилоятида дунёга келган. У аввал пойтахтдаги Бенков номидаги республика рассомлик билим юртида, сўнг М.Уйғур номидаги санъат институтининг кулчилик бўлимида таҳсил олди. 1954 йилда Тошкент чинни заводида ўз иш фаолиятини бошлади. Рассом чинни бўюмларга шакл бериш ва нақшлар тушириш санъатининг моҳир устаси бўлиб етишди.

Анвар Нўғмоновнинг Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров билан ҳамкорликда яратган «Етти гўзал» асари ўзининг нафислиги билан томошабин эътиборини ўзига тортади. Шунингдек, у буюк мутафаккир Алишер Навоий назмини чинниларда моҳирона акс эттирган.

ИНОБАТ ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Педиатрия-Тиббиёт институтини қошидаги
АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

2004-2005 ўқув йили ўқув 1-курси қабул эълон қилади.

Академик лицейга мактабларнинг 9-синфини битирган иқтидорли ўқувчилар ҳудудий касб-хунарга йўналтирилган психологик—педагогик ташхис маркази тавсияномасига биноан қабул қилинади.

Академик лицейда табиий фанлар йўналиши мавжуд

Ўқув режасига биноан академик лицей ўшбу ўқув юртини тўғатгач, мутахассисликлари даволаш иши, стоматология, педиатрия иши, тиббий профилактика иши, биология, экология ва табиатдан фойдаланиш, агрономия, ипакчилик, генетика ва селекция ўсимликларни химия қилиш мева-сабзавотчилик ветеринария, фармакология бўлган ва кимё, биология ҳамда она тили ва адабиёт фанларидан тест синовлари топшириладиган олий ўқув юртига кирувчилар учун мўлжалланган.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар
тақдим этилади:

- академик лицей директори номига ариза;
- 9-синфини битирганлиги ҳақида шаходатнома (асл нусхаси);
- тузилганлик ҳақида гувоҳнома (нусхаси);
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- турар жойидан маълумотнома;
- 3х4 ёки 4х6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
- ҳудудий касб-хунарга йўналтирилган психологик-педагогик ташхис марказининг тавсияномаси;

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси, 223-уй.
Телефон: 63-98-54, факс 162-00-73.
Транспортлар: 19, 115, 129 автобусларнинг «Академик лицей» бекети, 83, 96 автобуслар, 6, 49, 485-йўналиш маршрутларининг «ТошПТИ» (САМПИ) бекати.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари
ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз кавирон, иқтисодий, гайритаъсирлар. Бизга фақат сизнинг таъбири ва қўлинингизгина керак. Гайритаъсирлар бир-бирининг вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борадиган энг қисқа йўл.



TOSHKENT
SHAHAR
KAMOLOT
BO'LMI

Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ишлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини тақдир қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ўшбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга а бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акmal AKROMOV

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ објект
усулида босилади.
2812 нусхада босилади. Қонун бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтаманга» — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақдаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.